

**ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИГИДА ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТАРТИБОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ**

(Бурхонуддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асари асосида)

Жўраев Й.О. -
ЎЗМУ профессори

Мустақиллик туфайли халқимиз баҳраманд бўлаётган неъматлар орасида тарихий илмий-маърифий ва маданий меросимиз алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, мустамлакачилик сиёсати қабоҳатлари ила миллат тассаруфидан соқит қилинган бундай мерос ўзликнинг мустаҳкам пойдевор сифатида қайта тикланмоқда. Эндиликда у миллат ғурури, куч-қудрати, ишончи, ғолибона одимлари учун илҳомбахш қувват берувчи манба сифатида хизмат қилмоқда.

Бир неча асрлар мобайнида ислом дунёси ижтимоий, диний, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаёт жабҳаларини тартибга солишда катта аҳамият касб этган, юртдошимиз Бурхонуддин Марғинович томонидан яратилган “Ҳидая фи Шарҳ Бидаят ал-Мубтади” – “Ҳидоя” (“Бошловчилар учун дастлабки таълим асарининг шарҳи – тўғри йўлга бошловчи китоб”) асари ана шундай мерос наъмунасидир.

“Ҳидоя” тўғрисида гапирганда даставвал унинг ҳуқуқий билимлар ҳамда қонун-қоидалар акс эттирилган асар сифатида ҳуқуқшунослик фанлари ва қонунчиликни ривожланиши учун муҳим манба эканлигини таъкидлаш зарур.

“Ҳидоя” орқали биз соф ислом кадриятлари, маданияти, ахлоқ-одоб нормалари ва ҳуқуқшунослиги манбалари тўғрисида ҳаққоний билимларга эга бўламиз. Шу жиҳатдан уни ҳозирда ислом динини бузиш ва сохталаштиришга қарши қаратилган турли диний оқимлар, фундаментализм ва ақидапарастлик урунишларига қарши турувчи муҳим “ҳақиқатлар” китоби, деб атаса бўлади.

“Ҳидоя” нафақат шахс, жамият, давлат, балки инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга тааллуқли қонун-қоидаларни изоҳлаб берган ва ривожлантирган манба ҳамдир. Бу борада “Ҳидоя”нинг иккита китоби, яъни қирқ тўққизинчи – “Ҳосилсиз ерларни ўзлаштириш ҳақида китоб” ҳамда эллик

биринчи – “Ов қилиш ҳақидаги китоб”лар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур китоблар тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, ундаги инсон ва табиат муносабатларига тааллуқли бир неча ҳуқуқий тушунчалар ва институтларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ҳосилсиз ерларни ўзлаштириш; 2) ўзлаштирилган ерларга нисбатан эгалик ҳуқуқи; 3) ичимлик суви мақоми; 4) ер-сув эгаларининг устувор (монополь) мақомига йўл қўймаслик; 5) кудук қазиш ҳуқуқи ва кудукнинг ҳуқуқий мақоми; 6) сув манбаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи; 7) сув иншоотлари мақоми; 8) ов қилишга рухсат этилган ҳайвонлар; 8) ов қилиш усуллари; 9) ов ўлжасини истеъмол қилиш ёки қилмаслик масаласи ва ҳ.к.

Ўтмиш ислом қонун-қоидалари тартибга солиш объекти бўлган мазкур тушунча ва институтлар ҳозирга келиб қандай аҳамият касб этади? Уларнинг ифодаланиши ёки ривожини Ўзбекистон қонунчилигида кўриш мумкинми? Бу масалаларда қандай илмий-ҳуқуқий ишланмалар мавжуд? Бу саволларга жавоб бериш мақсадида Ўзбекистоннинг тегишли қонунчилигини таҳлил қилиб кўрамиз.

Ҳозирда Ўзбекистон ер қонунчилигида ҳам тупроқ унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерлардан фойдаланишнинг марказий принципи бўлиб, бундай ерларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг барча ҳуқуқий талаблари шу принцип асосида тартибга солинади.

“Ҳидоя”да келтирилган “ҳосилсиз ерларни ўзлаштириш” институтини ҳозирда “янги ерларни ўзлаштириш”, деб тушуниш лозим бўлади. Яъни илгари қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилмаган ерларни очиш ва ўзлаштириш ерларни ҳосилдор қилиш, деб тушунилади. Бу ҳолат Ўзбекистон ер қонунчилиги мазмун-моҳиятига умумий

асосларда сингдирилган. Жумладан, Ер кодексининг 2-моддасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни “кенгайтириб борилиши” принцип сифатида, 48-моддасида эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбурияти кўринишида қайд этилган. Бундан ташқари Ер кодексининг 12-моддасида “янги ерларни ўзлаштириш” каби ифода акс эттирилган.

Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, ҳозирги ер қонунчилигида янги ерларни ўзлаштириш институтининг ҳолати ҳавас қиладиган даражада эмас. Тўғри, бу институт тартибга соладиган ишларни амалга ошириш собиқ Иттифоқ даврида давлат монополиясида бўлган. Шу боис янги ерларни очиш жараёнларини тартибга солишга ер ҳуқуқида суиҳтибор берилган.

Эндиликда Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати кенг амалга оширилиши билан ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқининг жорий қилиниши фермерлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтирмоқда. Уларнинг ер участкаларига нисбатан мулкдорлик ҳисси кучайиб, ишлаб чиқариш ва ер майдонларини кенгайтиришдан манфаатдорлиги ошмоқда. Бирок, бу ҳолат ер қонунчилигидаги янги ерларни ўзлаштиришга тааллуқли меъёрларни такомиллаштиришга олиб келмаяпти. Масалан, Ер кодексида ер эгаларининг янги ерларни ўзлаштириш борасидаги ҳуқуқлари тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ. Бизнингча, мамлакатимиз қонунларида фермернинг ўз маблағлари эвазига қўшимча ўзлаштирган ерлари алоҳида кадастр қилиниб, уни айрим шартларда хусусий мулк қилиб қилиб берилиши белгиланса, ёмон бўлмас эди. Бу бир томондан фермернинг манфаатдорлигини оширса, иккинчи томондан тобора камайиб кетаётган қишлоқ хўжалик ерларининг ўрнини қоплаш фаолиятини рағбатлантирган бўлар эди.

“Ҳидоя”да ер-сув эгаларининг устувор (монополь) мақомига йўл қўймаслик қоидалари тўғрисида сўз боради. Яъни ерни ўзлаштирган шахс (шахслар)ушбу ерга алоқадор ўзгаларнинг ҳуқуқларини поймол қиладиган даражада фаолият юритмаслиги лозим. Ўзгалар ким ва уларнинг ҳуқуқлари нимадан иборат? Бизнингча, “ўзгалар” ичида биринчи навбатда

давлатни тушуниш лозим. Ўзлаштирилган ерларга эгалик қилиш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва хавфсизлик манфаатларига мос ҳолда амалга Давлатнинг бу ердан рента олиш ҳуқуқи поймол бўлмаслиги керак. Ундан ташқари, фермер (деҳқон)нинг бу ерга хусусий мулк ҳуқуқи у раҳбар бўлган фермер (деҳқон) хўжалиги тугатилиши билан қайта кўриб чиқилиши, яъни уни фермер (деҳқон)да хусусий мулк қилиб қолдириш ёки уни давлатга ёхуд янги фермер (деҳқон)га сотиш ва бошқа ҳолатларни кўзда тутган қоидаларни ер қонунчилига киритиш лозим.

Янги ўзлаштирилган ерларга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини чеклаш атрофдаги қўшни ер эгалари, сув манбаидан фойдаланувчилар манфаатлари, шунингдек экологик (масалан, ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар, табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш) талаблар ва бошқа манфаатлар юзасидан жорий этилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашнинг энг асосий мақсади ердан фойдаланишда монополь бўлишнинг олдини олишдир. “Ҳидоя” қайдларига кўра бу масаладаги қонун-қоидалар барча ердан фойдаланувчилар орасида адолат ва тенглик бўлишига, ижтимоий тартиб ва барқарорликни таъминлашга хизмат қиладди. Аждодларимиз бу масалалар устида жиддий бош қотириб, уларни ҳуқуқ ёрдамида тўлиқ тартибга солишга ҳаракат қилишган. Бундай ҳолатларнинг тартибга солинганлиги ўтмишда ислом ҳуқуқшунослигининг нақадар илғор бўлганлигидан далолат беради.

Ислом ҳуқуқшунослигида, хусусан, “Ҳидоя”да ичимлик сувига табиатнинг бебаҳо неъматини сифатида эътибор қаратилган. Бунга асосий сабаб аввало инсоннинг ичимлик сувга бўлган табиий ҳуқуқини кафолатлаш бўлса, сўнгра ислом дини вужудга келган ва ривожланган минтақаларда мавжуд сув танқислиги ҳисобланган. Сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда унга нисбатан барча аҳолининг тенг ҳуқуқини таъминлаш асосий принцип ҳисобланган. Мана шу сабабларга асосан “Ҳидоя”да ичимлик суви табиатнинг алоҳида объекти сифатида ўзига хос мақомга эга эканлиги ҳақида сўз боради. Ичимлик суви мақомининг мазмун-моҳиятида нафақат инсон табиий (биологик) талабини қондириш, балки инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик, сабр-

тоқат, маданият ва бошқа қадриятлар мужассам бўлган. “Ҳидоя”да баён этилган қонун-қоидаларга кўра “ичимлик суви мақоми” унга нистабан эгалик қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи ва муҳофаза қилишнинг махсус тартибларини ўрнатилганлигини аниқлаган. Ичимлик сувига бўлган ҳуқуқ қатъий қафолатлар ва механизмлар асосида таъминланган ва ҳимоя қилинган.

Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ичимлик суви алоҳида мақомга эга. Бунда инсонларнинг сув объектларидан ичимлик ва бошқа маиший мақсадларда фойдаланиши устувор ҳуқуқ сифатида белгиланган. Жумладан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига кўра “Сув объектлари, аввало, аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини ва маиший эҳтиёжини қондириш учун фойдаланишга берилади.” Бу қоида шуни аниқладики, барча сув манбаларидан – дарёлар, сойлар, каналлар, сув омборлари, булоқлар, ҳовузлар ва ҳ.к.лардан биринчи навбатда (устивор) ичимлик ва маиший эҳтиёжлар мақсадларида фойдаланилади. Ундан сўнг сув манбасидан бошқа мақсадларда, масалан, қишлоқ хужалиги, саноат, энергетика ва ҳ.к.да фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон сув қонунчилигида инсоннинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи том маънода табиий ҳуқуқ эканлиги ўз аксини топган. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, бундай табиий ҳуқуқ тўлиқ қафолатланган ва ҳимояланган. Қонуннинг 4-моддасида “Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёхуд сувдан мақсадсиз фойдаланилганда ёки сув мақсадсиз истеъмол қилинганда ҳамда лимитдан ортиқча сув олинганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар тўланмаган тақдирда ҳам сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик ва маиший эҳтиёжлар учун сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно).”, деб ёзиб қўйилган.

Марғинонийнинг “Ҳидоя”сида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилмаган битта сув объекти – қудуққа

алоҳида эътибор қаратилган. Қудуқ қазиш орқали ичимлик сувига бўлган ҳуқуқни таъминлаш ҳар бир фуқарода потенциал ҳуқуқ ҳисобланади.

Афсуски, амалдаги сув қонунчилигида қудуқ сув объекти сифатида белгиланмаган, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда қудуқларнинг номи тилга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2013 йил 19 март 82-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувлардан фойдаланиш ва сув истеъмол тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандига биноан “Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, маиший, рекреация, даволаш эҳтиёжлари, ҳайвонларни суғориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир суткада 5 куб метргача ҳажмда ер ости сувларини яқка тартибда олиш умумий сув истеъмолига киради.”

Ушбу қоидадан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сув манбаи сифатида қудуқ ва шунга ўхшаш бошқа тушунчаларни қонун ости ҳужжатларида учратиш мумкин экан. Бироқ, бу ҳолат қудуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ниҳоятда камлик қилади. Ҳозирги пайтда қудуқ сув-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида объектига айланганлиги, шунингдек қудуқ (ер ости) сувларига тааллуқли бошқа бир қанча ижтимоий ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келаётганлиги “қудуқ”ни сув объекти сифатида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда акс эттиришни тақоза этади.

“Ҳидоя” асарининг алоҳида - эллик биринчи китоби– “Ов қилиш ҳақидаги китоб” бўлиб, унда: 1) ов қилишга рухсат этилган ҳайвонлар; 2) ов қилиш усуллари; 3) ов ўлжасини истеъмол қилиш ёки қилмаслик ва бошқа масалаларга доир қонун-қоидаларнинг тавсифлари, шарҳлари ҳамда баёнлари ўз аксини топган.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ислом ҳуқуқшунослиги шаклланган ва ривожланган даврлардаги ҳайвонот дунёси хилма-хиллиги ва унга нисбатан хавф-хатарнинг қўламини

ҳозирдаги ҳайвонот дунёси “аҳволи” ҳамда унинг жадал суръатларда камайиб кетаётганлиги билан таққослаб бўлмайди. Шунга қарамай ислом ҳуқуқшунослиги ҳозирда жуда долзарб бўлган экологик муаммоларни ўша даврлардаёқ англаш ва ечимини топиш масалаларига эътибор қаратган. Бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар тегишли тарзда тартибга солинган. Бу ҳолат “Ҳидоя”даги қайдлардан аниқ кўриниб турибди.

“Ҳидоя”да акс эттирилган “ов қилишга рухсат этиш” институти катта маъно касб этиб, ҳайвонотдунёси мулк объекти сифатида “рухсат берувчи” (давлат, ҳудудлар маъмурияти)нинг тассарруфида бўлганлиги, уларга нисбатан хусусий мулкнинг инкор этилганлигини англатади. Ёввойи ҳайвонларга нисбатан ов қилишга рухсат бериш институтининг жорий этилганлиги асосан экологик мазмун-моҳият касб этади. Зотан, бу институт ҳайвонларнинг ов натижасида қириб юборилмаслиги ҳамда айрим гуруҳ одамларнинг ов қилиш ҳуқуқлари монопол бўлиб қолмаслигининг олдини олишга қаратилган бўлиб, овга бўлган ҳуқуқни амалга оширишда тенглик ва тежамкорлик таъминланишини мақсад қилган.

“Ҳидоя”да зикр этилган ов қилиш учун рухсат бериш институти Ўзбекистон Республикаси “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги”ги Қонунида (янги таҳрир) ҳам аниқ акс эттирилган. Чунончи, унинг 29-моддасида “Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш рухсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилади.” деб белгиланган. Юридик маънодаги ов деярлик барча ҳолларда (ҳавоскорлик асосида 5 кг.гача балиқ тутишдан ташқари) рухсат асосида амалга оширилади. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш борасидаги рухсат бериш тизимини қўллашда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низом катта аҳамият касб этади.

“Ҳидоя”да баён этилган ов қилиш усуллари ҳақидаги тартиб-таомиллар ҳам

аввало экологик мақсадларни кўзда тутган. Қолаверса, улар ов қилишда ҳайвонларни ваҳшийларча қийнаб ўлдирмаслик, ночор аҳволдан фойдаланиб ов қилмаслик, жониворларга нисбатан инсоний раҳм-шафқат кўрсатиш талабларини бажаришни мақсад қилган. Шу ўринда Ўзбекистон қонунчилигида “Ҳидоя” мазмун-моҳиятига мос бўлган бир қонидани эслаб ўтиш жоиздир. Бинобарин, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрир) 33-моддасида ов қилиш ва балиқ овлашнинг ман қилинган усуллари белгиланган бўлиб, унга кўра “тақиқланган қуроллар ва усулларни қўллаш; фалокатга учраган ва ўзи учун нотабиий шароитда турган ҳайвонларни ов қилиш ман этилади.” Мазкур Қонуннинг бундай инсоний раҳим-шафқат кўрсатиш қоидаларини бошқа моддаларида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Бурхонуддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асаридаги зикр этилган қонун-қоидалар тўғрисидаги маълумотлар, шарҳлар ҳамда назарий-ҳуқуқий билимлар ота-боболаримиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари, ҳаттоки, табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги ижтимоий муносабатларни ҳам ўз даври талаблари доирасида ҳуқуқий тартибга солинганлигини кўрсатувчи буюк манбадир. Унинг амалий ва назарий долзарблиги ҳозирги даврда жуда катта бўлиб, нафақат Ўзбекистон, балки бизга ўхшаган бошқа давлатлар ҳуқуқ тизимини янада ривожланиши учун мустаҳкам асос сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асаридаги зикр этилган “Ҳосилсиз ерларни ўзлаштириш” ҳамда “Ов қилиш ҳақидаги китоб”ларидаги Ислом ҳуқуқига оид нормалар билан Ўзбекистон Республикасининг ер, сув ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид нормалар киёсий талқин қилинган.

Калит сўзлар: ижтимоий, диний, иқтисодий, маданий ҳуқуқ, сув манбалари; сув иншоотлари.

РЕЗЮМЕ

В статье проводится сравнительная интерпретация норм, исламских законов в книге «О охоте» и рекультивации бесплодных земель в книге «Хидоя» Бурхониддина Марғилони с одинаковым соблюдением законодательных норм Республики Узбекистан, относительно использования земли, воды и животного мира и их защита.

Ключевые слова: социальный, религиозный, экономический, культурное право, источники воды, водные сооружения.

RESUME

This paper deals with comparative interpretation of norms that consider Islamic law in the book “About hunting” and reclamation of unfertile lands in the book “Hidoya” by Burkhoniddin Margiloniy with equally comparing the norms of the Republic of Uzbekistan which are using earth, water and animal world and protecting them. This paper has skillfully analyzed and given well-grounded proposals about the problems of protecting the nature so that it is one of the actual tasks today and that was conformed in the Holy Islam religion.

Key words: social, religious, economic, cultural law, water sources, water structures.